

SIMILARITY AND COMPARISON IN COMPOUND SENTENCES

Shukhratova Yulduzkhon Shakarbek qizi

Fergana State University

Teacher of the Department of Primary Education

Annotation. The article discusses the analogy approach, which is relevant for today's linguistics, and its role in the process of emergence of the category of comparison. The examples are analyzed within the syntactic level.

Keywords. Conjunction, analogy, comparison, affixoid.

ҚЎШМА ГАПЛАРДА ЎХШАТИШ ВА ҚИЁС МУНОСАБАТИ

Шухратова Юлдузхон Шакарбек қизи

Фарғона Давлат Университети

Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада бугунги кун тилшунослиги учун долзарб бўлган ўхшатиш муносабати, унинг қиёс категориясининг юзага чиқиши жараёнидаги роли ҳақида фикр юритилган. Мисоллар синтактик сатҳ доирасида таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар. Қўшма гап, ўхшатиш, қиёслаш, аффиксоид.

Синтактик сатҳнинг мураккаб синтактик бирлиги ҳисобланган қўшма гапларга доир илмий ишлар бугунги кунда тилшуносликда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигига қўшма гапларни мукаммал таҳлилига бағишлиланган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Қўшма гаплар тадқиқида М.Аскарова, F.Абдураҳмонов, А.Бердиалиевлар ва уларнинг илмий қарашлари алоҳида дикқатга сазовордир. Ўзбек тилшунослигига биринчи марта қўшма гаплар муаммосини ўрганишга қўл урган тилшунос олим X.Гозиевдир. Олим қўшма гап қисмларининг ўзаро боғланиш белгисига кўра 2 гурухга, боғланган ва эргашган қўшма гапларга, ажратишни маъқуллайди ва асосий эътиборини

эргашган қўшма гапларнинг таркибини тадқиқ этишга қаратади¹.

М.Аскарова ҳам қўшма гапларни таснифлашда мураккаб синтактик бирлик қисмларини боғловчи воситалар белгисига таянган ҳолда, уларни икки гурухга - боғланган ва эргашган қўшма гапларга ажратади².

Ғ.Абдураҳмонов ўзбек тилшунослиги тарихида илк марта қўшма гапларни уч гурухга ажратиб таснифлайди³.

Тилшунос олим А.Мамажонов ўзининг “Қўшма гап стилистикаси” деб номланган монографиясида эргаш гапли қўшма гаплар ҳақида фикр юритиб, уларнинг ҳар хил аспектлардаги ҳолатига эътибор қаратади ва уларнинг полисемантик характеристики, услубий хусусиятлари ҳамда қўшма гапларнинг семантическая классификация доир масалаларга тўхталиб ўтади⁴.

А.Хожиевнинг “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати” да қўшма гапга қўйидагича таъриф берилади:

Қўшма гап. Тузилиш жиҳатидан содда гапга ўхшаш икки ва ундан ортиқ предикатив бирликнинг интонация ва мазмун жиҳатидаи бир бутунлик ҳосил этиши билан юзага келувчи гап. Ўзбек тилида қўшма гаплар қандай мазмун муносабатларини ифодалashi, грамматик белгилари, тузилиши ва интонациясига кўра уч асосий турга бўлинади:

- 1) боғловчисиз қўшма гаплар;
- 2) боғланган қўшма гаплар;
- 3) эргашган қўшма гаплар⁵.

Ушбу мақолада синтактик сатҳ бирлиги бўлган қўшма гапларда ифодаланган ўхшатиш муносабати ҳақида фикр юритамиз. Ўхшатиш муносабати –дек, -дай аффиксоидлари ва худди, гўё ёрдамчи сўзлари воситасида юзага чиқади. Мисолларга эътибор берамиз:

Бир дарахтни кўрдим - мағрур, баркамол,

¹ Фозиев Ҳ. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги қўшма гапларнинг состави ҳақида // Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. Тошкент, 1941. 127-156 бетлар.

² Аскарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили ва қўшма гаплар. Тошкент, 1960. 6-7 бетлар.

³ Абдураҳмонов Ғ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўз ФАН нашриёти, 1966

⁴ Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент. 1990.

⁵ Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Тошкент: 1985, 119-б.

Истаган фаслида гуллайдигандай.

Писандига яқин келмас қор, шамол:

Дуркун барги мангу сўлмайдигандай. (И.Мирзо “Гўё”)

Шеърий матнда ўхшатиш аффиксоиди содда гап таркибидаги аниқловчини ажратишга хизмат қилган бўлса (мағур, баркамол, истаган фаслида гуллайдигандай), кейинги қатордаги боғловчисиз қўшма гапда изоҳлаш мазмунидан ташқари ўхшатиш муносабатини ҳам кўриш мумкин.

Давомли матн:

Шул дарахтнинг олдида хор, ғарибман,

Йўл ярмига етар-етмас ҳорибман,

Ҳаводан куз ҳидин олиб турибман,

Баҳор менга қайтиб келмайдигандай. (И.Мирзо “Гўё”)

Матн тузилишига кўра бир неча бош гапли қўшма гап бўлиб, ўхшатиш муносабати эргаш гапнинг бош гапга тўғридан-тўғри боғланиши орқали ифодаланмоқда.

Матнга мурожаат қиласиз:

Шул ирмоқнинг ҳузурида ким бўлдим,

Тўхтаб қолдим, тил тишладим, мум бўлдим.

Ҳасрат келди, кўзёшимга лим бўлдим,

Эски кўнгил энди тўлмайдигандай. (И.Мирзо “Гўё”)

Матннинг охирги қаторларидаги боғловчисиз қўшма гап таркибидаги –дай аффиксоиди ўхшатиш мазмuni билан бир қаторда, тарз муносабатини ҳам акс эттиromoқда.

Навбатдаги мисол:

Бир кимсани кўрдим, азиз ёронлар,

Фириб берса, чап беролмас шайтонлар,

Йигмиш дунё, қурмиш турлик ошёнлар,

Гўё бу зот асло ўлмайдигандай. (И.Мирзо “Гўё”)

Матн аралаш қўшма гаплардан ташкил топган бўлиб, ўхшатиш эргаш гап таркибидаги ўхшатиш воситаларининг бирдан ортиқ қўлланилиши ўхшатиш мазмунини таъкидлаш ва кучайтириш учун хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг “Йўл” шеъридан олинган мисолни кўрайлик:

Қорин тўйса, қайтиб очмайдигандек,

Очқаб қолса, тўйиши маҳолдек гўё.

Кун ботса, қайта нур сочмайдигандек,

Кун ўтса, толега камолдек гўё.

Матндаги эргаш гапли қўшма гапларда ўхшатиш муносабати аффиксоид ва ёрдамчи воситасида ифодаланмоқда.

Кейинги мисолга мурожаат қиласиз:

Тўзғимасдан шамолдек, ўтиб умр малолдек,

Интизорлик шиддати шитоб айламасайди.

(Г.Асқарова “Ошиқлар тумори”)

Шеърият талабига кўра инверсияга учраган ушбу қўшма гапда ҳам ўхшатиш муносабанини кўриш мумкин.

Ўхшатиш муносабати кўпинча қиёс мазмуни билан параллел келади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўхшатиш қиёслаш ва чоғишириш ҳодисасидан фарқ қиласи. Ўхшатишда ҳам, қиёслашда ҳам предметлар ўзаро ўхшатилади, бироқ қиёслашда қиёсланаётган обьектлар орасида зидлик муносабати мавжуд бўлади. Ана шу зидлик ўзаро фарқни аниқлашда асос ҳисобланади.

Бир неча предмет, воқеа-ўртасидаги мавжуд ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш нуқтаи назаридан қиёслаш билишнинг энг кенг тарқалган мантиқий усулларидан биридир. Бу усул инсон кундалик фаолиятининг деярли барча соҳаларида кузатилади. Мантиқий жиҳатдан қиёслаш категориясининг табиати икки хил, бошқача айтганда, қиёслаш зарурияти икки асосий омил асосида юзага келади.

Биринчиси фарқни кўрсатиш бўлса, иккинчиси ўхшашликни кўрсатишдир. Ана шу мантиқий тахмин инсон онгида қиёслаш йўли билан маълум бир предмет ёки воқеа-ҳодиса ҳақида маълумотлар тўпланишида муҳим вазифаларни бажаради. Инсон умри давомида керак бўладиган билим, яъни борлиқни билиш, билим олиш ва бошқалар кабиларда инсон ўзи учун маълумотлар тўплашда билиш усууларидан бири – қиёслаш орқали ўзи учун жумбок бўлиб турган саволларга жавоб топади. Фикрни қиёслаш йўли билан тушунтириш ҳам информатсияни кенг ва атрофлича бўлишини, маълум бир предмет ёки унинг бирор бир белгиси ҳақида хабар бериш, тасвирлашни таъминлайди. Бу жараёнда тил ва нутқнинг турли бирлик ва ифода воситалари иштирок этиб фикрнинг образлилигини, таъсирчанлигини, фикрни тез ва осон етказилишида муҳим ўрин тутуди. Демак, ўхшашлик муносабати қиёслаш категориясининг таркибий қисмидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ғозиев X. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги қўшма гапларнинг состави ҳақида // Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. Тошкент, 1941.
2. Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили ва қўшма гаплар. Тошкент, 1960.
3. Абдураҳмонов Г.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўз ФАН нашриёти, 1966.
4. Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент. 1990.
5. Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Тошкент: 1985.
6. Мирзо И.Кўнглингда нима бор, билмайман. Тошкент: Шарқ нашриёти, 2020.
7. Асқарова Г. Ошиқлар тумори. Тошкент, 2012.
8. Мамажонов А, Розиқова Г. Гапларнинг шаклий-мазмуний тузилишига кўра турлари. – Фарғона 2004